

Қурбон ҳайити ва вакцинация



Шу кунларда мусулмон аҳли Қурбон ҳайитини муносиб нишонламоқда. Юртимизда давлат раҳбари қарори билан уч кунлик дам белгиланган.

Аmmo шундай касб эгалари борки, улар байрам куни оиласи, яқинлари даврасида эмас. Англаганингиздек, гап шифокорлар, ҳамширалар ҳақида.

Пискент тумани кўп тармоқли поликлиникасида одам гавжум. Шифокорлар, патронаж ҳамширалари аҳолини коронавирус пандемиясида саломатлигини ишончли сақлаш учун вакцинация жараёнларини сифатли ўтказиш мақсадида ишляптилар. Дам ошиш куни бўлишига қарамай, кеча кун давомида жами 203 нафар фуқаро COVID-19 га қарши эмланди. Вакцинация жараёнлари бошлангандан буён туманда жами 12 минг 404 нафар фуқаро эмланган.

Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Муҳаббатхон Қодированинг сўзларига кўра, ҳозирги мураккаб эпидемиологик вазият одамларнинг ўз саломатлиги учун қайғуришига, онгли равишда вакцина олиш учун келишига сабаб бўлмоқда.

Эмлаш жараёнлари қолган дам олиш кунлари - 21 ва 22 июнда ҳам давом эттирилади.

Кеча, 20 июль куни коронавирус инфекцияси билан зарарланишга оид 68 та мурожаат қабул қилинган. Беморларнинг аҳволдан келиб чиқиб, уларнинг 7 нафари стационар шароитда даволанишга ётқизилган. Қолганларига зарур кўрсатма ва шифокор тавсиялари берилган.

Коронавирусга қарши курашда энг самарали йўл – эмланиш. Шундай экан, турли шубҳаю гумонлар билан вақт ўтказмасдан, вакцина олишга шошилинг.